




Ishonch

Ёшларимизнинг
ғайрат-шижоатини, ўз
кучига ишончини, элу
юртидан ғурурланиш
туйғуларини кўрган,
улкан мақсадлар билан
яшаётганини кузатган
хар қандай одам
Ўзбекистоннинг кела-
жаги чиндан буюк
эканлиги ишонч ҳосил
қилади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.
Истиклол йилларида ушбу кун инсон хотираси ва қадри уюлгандагидан муҳим тарихий санага айланди.
Миллионлаб инсонлар умрига завоқ бўлган, юзлаб шахару қишлоқларга вайронагарчилик, офат келтирган фашизм устидан қозонилган ғалабада ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўз юртидан олисларда кечган баёв жанглarda жон олиб, жон берган ватандошларимизнинг жасорат ва матонати, фронт ортида тунларни тонларга улаб меҳнат қилган, сўнги нонини ҳам ўзгалар билан баҳам кўрган ҳамюртларимизнинг фидойиликлари қалбларда мангу яшайди.

Эзгу ишлар ҳеч қачон унутилмайди

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Ўтганларни, уларнинг хайри ишларини, жасоратини ёдга олмақ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Шу боис Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангдошлардан омон қайтган болаларимизга, оғир кунлари сабр-бардош билан ёнган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзгичани йўқотмаган, имони бутун момоларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланган.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 15 апрелда қабул қилинган Фармонида мувофиқ, Хотира ва қадрлаш куни муносибати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг пул мукофотлари билан тақдирланиши уларга кўрсатилган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намунаси.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусика таралади. Жанглarda қурбон бўлган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари қарийб 435 минг нафар ўзбек фарзандларимиз жасоратидан сўзлайди.

Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизнинг

барча шахар ва қишлоқларида Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Биз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг номлари ва хотирасини ёд этар эканмиз, табиийки, уларнинг ўчмас жасорати олдида бош эгамиз. Бугунги эркин ва озоқ ҳаётимиз, мусавфо осмонимиз учун жон берган, ҳалок бўлган ватандошларимизни эслаш, орамизда яшаб келётган уруш қатнашчиларини қадрлаш ҳар бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

— Шу борада бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман, — деди давлатимиз раҳбари. — Маълумки, урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган. Шундан 1,5 миллионга яқин одам урушда қатнашган. Уша вақтда юртимиз аҳолисининг ярмини болалар ва кексаларни ташкил этганини инобатга оладиган ва улар қаторига аёлларни ҳам қўшадиган бўлсак, бу рақам ни-

мани тасдиқлаб беради? Бу шуни кўрсатадики, қурол кўтаришга қодир бўлган юртдошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бу бешафат урушда бевоқиф широк этган. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак.

Шу маънода, бугун Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 64 йиллигини нишонлар эканмиз, бундан ўн йил олдин бу санани юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилганимиз нақадар қучур ўйланганини, унинг теран маъно ва мазмунига ога эканини бугунги ҳаётимиз ўзи яна бир бор тасдиқламоқда.

Нафақат бизнинг миллатимизда, балки бошқа халқларда ҳам ўтганлари эслаш, хотирлаш, бугун ҳаёт бўлган кексаларни қадрлаш — муқаддас қадриятлардан бири эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон – Жанубий Корея: Ҳамкорликнинг янги босқичи

Аввал хабар қилингандек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 10 май куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги масофа анча узок. Лекин мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда икки томонлама манфаатдорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат маъжуд бўлса, масофа ўз аҳамиятини йўқотади. Ўзбекистон-Корея муносабатларининг бугунги ҳолати бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир. Ли Мён Бакнинг ушбу ташрифини олий даражадаги мулоқотларнинг маънавий давоми, дейиш мумкин. Чунки 2008 йилнинг ўзида Ўзбекистон ва Жанубий Корея Президентлари икки марта учрашган.

Давлатлараро муносабатлар ривожланиш йўлидан борар экан, турли мақомдаги мулоқотлар изчил давом этаверади. Эеро, тараққиётга интилган ҳар бир мамлакат ишончли шериклар билан ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарияти ҳамфикр эканига, муносабатлар негизда ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат муҳасамлигига Ли Мён Бакнинг мазкур ташрифи ёрқин далилдир.

11 май куни Дўрмон қароргоҳида Корея Республикаси Президентини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф торди. Икки мамлакат байроқлари кўтарилиб, давлат маҳфиялари янгради. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак фахрий қоровул сафи олдида ўлдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яқма-яққа суҳбати бўлди. Ислом Каримов ва Ли Мён Бак мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболга оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашди.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу саммит Жанубий Корея Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдорлигининг яна бир ёрқин далили эканини, айни пайтда Тошкент ҳам Саул билан ҳамкорлик алоқаларини юксак қадрлашини таъкидлади.

Ли Мён Бак Ўзбекистонга тақлиф этгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, ушбу учрашув ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиш, истиқболда ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан атрафлича фикр алмашиш учун қўлай имконият эканлигини қайд этди.

Президентлар хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхтадилар. Халқаро терроризм ва экстремизмга, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашдаги ҳамкорлик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олиш билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқаро сиёсат майдоннда бир-бирининг ташаббусларини ёқлаб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон БМТ органида, жумладан, Бош котиб лавозимига Корея Республикасининг номзодларини ёқлаган. Жанубий Корея Осиёда ҳамкорлик бўйича мулоқот ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда Ўзбекистонни, «Sky Team» сафидан жой олишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини

қўллаб-қувватлаган. Умуман, сиёсий ҳамкорлик — икки мамлакат раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиш механизми йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Тошкент Сеулнинг Корея яриморлидаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиш масаласига ёндашувини, Корея Республикаси раҳбариятининг «Янги Осиё дипломатияси» ташаббуси ҳамда энергетик стратегиясини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон раҳбари ташаббусининг самараси — Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айлангани Сеулда юксак қадрланади.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея нефт-газ, кончилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг қўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея қўшма қўмитаси мунтазам йўналишлар ўтказиб, алоқаларини янги кирраларини очиб, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоа ҳажмини ошириш масалаларини кўриб чиқди. Энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмита тuzилган.

Ислом Каримов ва Ли Мён Бак икки томонлама муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида ривожланиб бораётганини таъкидладилар. Ушбу ташриф Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларини янги босқичга кўтаришига ишонч билдирилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибидagi музокарасида давом этди. Унда асосий эътибор савдо-иқтисодий, сармоавий ва гуманий тарҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоавий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодига киритган сармоаси ҳажми 2 миллиард АКШ долларидан ошади. Айниқса, нефт-газ, кончилик, нефт кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида катта-катта лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизда барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона ҳам бунга яхши мисолдир. Ушбу зонадаги китталараро интермодал логистика маркази МДХда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортиради, тақсимланади, махсус омборларга joyлаштирилади. Осиёдан Европага ва Евроладан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташини тармоғининг муҳим бўғинига айланмадиган яна шу марказдан ўтади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Жанубий Кореядан лизинг асосида иккита «А 300-600 F» юк самолёти олиб, логистика маркази иштироғига берди. Бу билан марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун дунёдаги барча юк бозорларига йўл очилди. Қирқ тоннага юк кўтарадиган «А 300-600 F» самолётлари етти минг километр масофани тўтмасдан босиб ўта олади.

(Давоми 2-бетда).

Ташаббус

ХАЙРИЯ

МАРОФОНИ

Халқ таълими бошқармаси тизимидаги Жиззах вилоят ахборот-ресурс маркази болалар ўртасида китобхонликни ривожлантириш бўйича ўтказилган «Мақтаб-кутубхона-оила ва жамоат ташкилоти» хайрия марафонига 10 млн. сўмлик бадий китоб келтирди.

Шунингдек, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурига асосан Ф.Ғулом номидаги нашриётда чоп этилган 50 млн. сўмлик бадий китоблар оқиб ва чекка қишлоқ мактабларидаги ахборот-ресурс марказларига тарқатилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Бугуннинг нафаси

Муносиб кутиб олинади

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақалари Республика финал босқичи бошланишига санокли кунлар қолди.

Хозирги кунда ҳар бир сирдарёлик «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг финал босқичи меҳмонлари ва иштирокчиларини муносиб кутиб олишга жиддий тараддуд кўрмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 3701,1 миллион сўм, вилоят филиалидан 359,1 миллион сўм маблағ ажратилган эди. Жумладан, ҳозирга қадар янгидан барпо этилган 1- ва 4-ТИП мажмуалари қурилиши учун 2176,8 миллион сўм сарфланган бўлса, Гулистондаги Марказий ўйингоҳ ва маданият саройини 5-ТИП болалар спорт мажмуасига айлантириш учун 1314,2 миллион сўм лозим бўлди.

6 та умумтаълим мактабларида спорт заллари бунёд этиш учун жами 4254,5 миллион сўм маблағ ишлатилди. Бундан ташқари, мазкур иншоотларнинг теварак-атрофи ободонлаштирилди, кўкаламзорлаштирилди. Президентимиз қарорига кўра режалаштирилган 9 та спорт иншоотининг барчаси фойдаланишга топширилди.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг финал босқичига тайёргарлик жадал давом этмоқда.

Пиримкул ДУШТАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Арафа

СЕРВИС ХИЗМАТИ

САРДОБА

САРДОРЛАРИ

Саъдулла Кенжаев нафақага чиққунда қадар касбига содиқ қолди. Уғиллари ва невараларига устоилик қилди. Бугун унинг барча ўғиллари биринчи тоифали ҳайдовчилардир.

Айни вақтда Кенжаевларга қарашли 4 та замонавий Дамас русумли автоуловлар Пахтаобод-Гулистон ва Пахтаобод-Тошкент йўналиши бўйича қатнаб, сардобаликларнинг ҳолатини чиқармоқда. Кенжаевлар эндиликда Пахтаобод-Самарқанд йўналиши бўйлаб ҳамда Пахтаобод шаҳарчасининг ўзида йўловчиларга хизмат қилиш ҳаракатиди.

Кўчимбой БОЛТАЕВ,
касаба уюшма фахрийси

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

Мирзаобод туманида 5 миң 991 нафар пенсионер ва ногиронлар рўйхатга олинган. Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан уларни ижтимоий ҳимоялаш, пенсия ва нафақа пуллари билан ўз вақтида таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, 85 нафар ногиронга сиҳаттоҳларга бепул йўлланма берилди. 17 нафар ногирон протез ортопедик мосламаси, 7 нафар 1-гурӯх ногирони эса махсус аравача билан таъминланди. Худуддаги 20 нафар ёлғиз қарига 220 миң сўмлик озиқ-овқат махсулотлари, 230 миң сўмлик саноат моллари, 505 миң сўмлик дори-дармон тарқатилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

ЭЪЛОН

«12-автобус саройи» очик акционерлик жамиятига доимий ишлаш учун «Д» тоифали ҳайдовчилар ишга қабул қилинади.

Ишга киришни хоҳловчилар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари шарт.

Ойлик маош 350.000 сўмдан 400.000 сўмгача



«12-автобус саройи» очик акционерлик жамиятига доимий ишлаш учун «Д» тоифали ҳайдовчилар ишга қабул қилинади.

Ишга киришни хоҳловчилар Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган бўлишлари шарт.

Ойлик маош 350.000 сўмдан 400.000 сўмгача

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

Мирзаобод туманида 5 миң 991 нафар пенсионер ва ногиронлар рўйхатга олинган. Туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан уларни ижтимоий ҳимоялаш, пенсия ва нафақа пуллари билан ўз вақтида таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, 85 нафар ногиронга сиҳаттоҳларга бепул йўлланма берилди. 17 нафар ногирон протез ортопедик мосламаси, 7 нафар 1-гурӯх ногирони эса махсус аравача билан таъминланди. Худуддаги 20 нафар ёлғиз қарига 220 миң сўмлик озиқ-овқат махсулотлари, 230 миң сўмлик саноат моллари, 505 миң сўмлик дори-дармон тарқатилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Эзгу ишлар ҳеч қачон унутилмайди

(Боши 1-бетда).

Эзгулик, савобли ишлар бемасар кетмайди, деди Президентимиз. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар кун қилиши керак. Бу халқимизга хос ғазилат бўлиб, унинг замирида чуқур маъно-мазмун мужасдам.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Утмишнинг хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Ҳар бир халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган яхши-ёмон кунлардан, тарих синовларидан зарур ҳулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

— Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрийдир. Биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тенг ва ўзаро ҳурматга асосланган, сийосати, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттириши, нафақат бугунги авлод, балки келажак авлодимиз ҳам уруш балосини юртамизнинг истаимиз, — деди Куртошимиз.

Барнамизга маълумки, бугунги кунда бундан ўттиз йил олдин Афғонистонда бошланган урушнинг, афсуски, ҳали-бери охири кўринмайди. Бизнинг Афғонистондаги вазиятини тинч қилиш бундан ўттиз йил олдин Афғонистонда бошланган урушнинг, афсуски, ҳали-бери охири кўринмайди. Бизнинг Афғонистондаги вазиятини тинч қилиш бундан ўттиз йил олдин Афғонистонда бошланган урушнинг, афсуски, ҳали-бери охири кўринмайди.

Жаҳоқаш афғон халқининг шунча йил давомида кўрган азоб-укубатларини, бугунги оғир аҳолини инобатга олиб, авваломбор, вайрон бўлган жойларни тиклаш, одамларга хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантириш керак. Токи, бу юртда яшаётган ҳар

қайси инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин.

Шу билан бирга Афғонистон халқини, унинг тарихини, маданиятини, диний-миллий қадриятларини топташ эмас, аксинча, ҳурмат қилиш йўли билангина турли миллат ва элларни бир-бирига яқинлаштириш, у ёрда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш мумкин.

— Бугунги кунда бизнинг бундай қатъий қарашимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланганга қараганда, ўйлашманки, — халқимиз яхши хабардор, — деди Исмоил Каримов.

Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик буюқ шаҳар ва қишлоқларимиз оқибатини турмушимиз фаровон. Амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари — кўз ўнгимизда қад ростилаётган бетақдор иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кўприк ва раво йўллар, боғ ва хиёбонлар, замонавий технологиялар билан жиҳозланган қудратли корхоналар — буларнинг барчаси юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик туғайлидир.

— Ватанимиз тараққийига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз, — деди Президентимиз. — Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлиши оловқалб ёшларимиздир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, азиз фарзандларимизга, ёшларимизга қаратиб айтмоқчиман: Сиз, азизларим, биз бошланган ишларнинг давомчиси сифатида олдимизга қўйган мақсад — ҳеч кимдан кам бўлмайди, демократик, озод ва

обод жамият қуришда эртага асосий ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётганингизни чуқур ҳис этиб, замонавий билим, замонавий тараққийот сирларини эгаллашга албатта қодир бўлишингиз керак.

Биз кимнинг, қандай буюқ зотларнинг авлоди эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Утмиш тарихимизни чуқур ўрганиб, бир сўз билан айтганда, ўзлгимизни англаб, отаболларимизнинг мардчилиги ва жасоратидан доимо фахрланиб-гурурланиб яшашимиз зарур.

— Ёшларимизнинг гайрат-шижоатини, ўз кучига ишончини, элу юртдан гурурланиш туйғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини қузатган ҳар қандай одам ўзбекистоннинг келажиги чиндан буюқ эканига ишонч ҳосил қилади, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

...Хотира майдонига қадам қўйган кишини ўтмиш ҳаёлотини чулғаб олади. Бу майдон нафақат ўтганлар ёдиди, балки халқимизнинг кечмишини ўзда муҳасса этган тарих китобига ўхшайди. Бу ерга келган ҳар бир инсон қалбидан шу табарруқ юрт барчамизники, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш мукаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.

Шу кун Мотамсаро она ҳайкали пойи баҳор чечаклариға бурқанди. Ўрт озоғиди ва раванки учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Воҳид ЛУҚМОН, УЗА мухбири

Ўзбекистон – Жанубий Корея:

Ҳамкорликнинг янги босқичи

(Боши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, ҳоризда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кучайиб бормоқда. Жорий йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сарможий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Корейлик ишбилармонлар эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрафлича таништирилди. Натижда умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларида ошадиган 35 сарможий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистон айнан Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга бўлган турини ўзлаштириб, дунёдаги санокли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида 1992 йилдан энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини таъкидлаш жоиз. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми рекорд қўратди — 1 миллиард 56,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда 351 Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирми ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини оғдан.

Музокарада Исмоил Каримов ва Ли Мён Бак савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига юксак баҳо берди. Шу билан бирга, ҳозирга қадар эришилган натижалар Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг салохият ва имкониятларини тулиқ акс эттирмаслиги таъкидланди. Корея Республикаси Президенти Ўзбекистонга нуфузли корей ишбилармонларининг йирик делегацияси билан бирга келганини боиси ҳам шунда. Музокарада имкониятларни тула ишга солиш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. 1992 йилдан Тошкентда Корея таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида Корея тили ва маданияти марказлари, Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилган. Тошкентда «Ўзбекистон-Корея» касбга тайёрлаш марказини очилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирми ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини оғдан.

тиш соҳалари бўйича таҳсил олади.

1999 йили Тошкентда очилган «Ўзбекистон-Корея Республикаси» дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестивал, кўргазма, концерт ва бошқа кўпмаданий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Корея Республикасида ўтказилган «Марказий Осиё нафосати» фотоқўргазмаси, «Сўғдий» ансамблининг «Ипак йўли руҳияти» концерти, «Ипак йўли» фестивали, ҳар йили Тошкентда бўладиган Корея маданияти ҳафталиги шулар жумласидандир. Кореялик хонанда ва созандалар Самарқандда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида дом фаол иштирок этди.

Мулоқот чоғида бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

Музокара якунида Исмоил Каримов ва Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг Қўшма баёнотиға имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида дипломатик паспортга эга фуқароларнинг визасиз сафар қилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Жанубий Корея Экспорт-Импорт банки ўртасида Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси (Корея ЭКсимбанки) томонидан «В.Воҳидов номидаги жарроҳлик марказини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда жиҳозлаш» лойиҳаси учун 10 миллион АҚШ доллари миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Корея Саноат мажмуалари корпорацияси ўртасида «Навой» эркин индустриал-иқтисодий зонасига Корея сарможисини жалб қилишнинг қўшма чора-тадбирлари тўғрисидаги алоқалар меморандуми, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефт корпорацияси ўртасида биргаликда Фарғона минтақасида сарможий блок ишлаб чиқиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Президентлар имомвий ахборот воситалари вакиллари билан ўрашдилар. Матбуот анжуманида музокаралар самимий рўҳда, ишчан кайфиятда ўтгани, эришилган келишувлар икки мамлакат тараққийига, Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг фаровонлиғига хизмат қилиши таъкидланди.

— Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга давлат таширифи ўзаро муносабатлардаги муҳим воқеа, икки мамлакатда ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга интилиш бир хилда кучли эканини яна бир тасдиқидир,

— деди Исмоил Каримов. — 2008 йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб 80 фоиз ўсган, Ўзбекистон иқтисодийига киритилаётган Жанубий Корея сарможисини муттасил ортиб бораётгани ҳамкорликнинг суръатини яққол кўрсатиб турибди.

— Ўзбекистон Республикаси Жанубий Кореянинг Марказий Осиёдаги муҳим шеригидир, — деди Ли Мён Бак. — Музокарада икки томонлама муносабатларга доир масалалар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиди. Кўрилган масалалар юзасидан фикримиз бир жойдан чиқди. Бу бизни қувонтиради. Дунёда иқтисодий инқироз ҳужм сураётганига қарамай, Ўзбекистон иқтисодийи ҳамкорликни ривожлантиришга қўшма ҳисса қўлади. Бу Президент Исмоил Каримов юртимиздаги оқилона сиёсат самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан ўрашди. Куннинг иккинчи ярмида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов ҳамроҳлигида Муस्ताқиллик майдонига таширфи буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рақиси бўлган Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Олий мартабали меҳмон Муस्ताқиллик майдонига амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободлаштириш ишлари билан танишиб, у том маънода ўзбек халқи ҳурриятининг тисмолига айланганини қайд этди.

Ли Мён Бак, шунингдек, Хотира майдонини зиёрат қилди. Иккинчи жаҳон урушида халок бўлган юртдошларимизнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган «Хотира китоби» билан танишди.

Икки мамлакат Президентлари Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетига таширфи буюрди. Жанубий Корея раҳбари ушбу олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан ўрашди, университет фаолияти, ўқув жараёни, таълим тизими билан танишди. Университет замонавий жиҳозланганга, талабалар учун яратилган шароитга юксак баҳо берди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетининг фахрий доктори унвони берди.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистон Республикасида давлат таширфи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ, УЗА мухбири

САМАРҚАНД томонларда Янги корхона

Жомбой туманида «Ургут Латекс Пасарга» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси иш бошлади.

Бир йилда 60 тонна қурилишбоп елим маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхона 20 кишини иш билан таъминлади. Лойиҳа қиймати 150 минг АҚШ доллари миқдорига бўлган корхонанинг қурилиш-монтаж ишлари учун 50 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Сарможий асосий қисми замонавий технология ускуналар харид қилишга ажратилган. Янги корхона нафақат ички бозор, балки экспорт алоқаларида ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

Ижро интизоми

Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида 2008–2010 йилларга мўлжалланган худудий келишувнинг ўтган йилдаги ижросига бағишланган қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидлаб ўтилдики, вилоят меҳнатқашларининг манфаатлари ижтимоий шерикчилик асосида ташкил этилган бўлиб, худудий келишувда белгиланган барча тадбирлар ижроси таъминланди. Кун тартибидеги масала юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари С.Дўстматов, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғи Ф.Зоиоров ҳамда касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари М.Ҳайитов ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ҳамкорликдаги ишларнинг истиқболдаги вазифалари белгилаб олинди.

Ғолиблар аниқланди

«Умид нисоллари» спорт ўйинларида самарқандлик ўқувчилар шарафини ҳимоя қиладиган ёшлар аниқланди.

Спортнинг 10 тури бўйича 2000 нафардан зиёд ўқувчилар маҳоратларини намойиш этишди. Баҳслар якунига кўра, Самарқанд шаҳри ўқувчилари биринчи, Пастдарғом ва Булунгур ёшлари кейинги поғоналарни банд этишди. Мусобақа ғолиблари Гулистонда ўз тенгдошлари билан муносиб баҳо олиб бориш учун хозирлик кўришаёпти.

Алоқалар мустаҳкамланди

Олимпия захиралари коллежи спорт мажмуасида вилоятда истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва хусусий тадбиркорларнинг улгуржи савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ярмаркада худудда фаолият юритаётган 100 га яқин корхоналар, 170 дан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчи хусусий тадбиркорлар ва фермерлар, 300 га яқин савдо корхоналари иштирок этди. Ярмаркада мулкчилик шакиддан қатъи назар вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик саноат корхоналари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди.

Улуғбек маркалари

БМТ Бош Ассамблеясининг 62-сессиясида буюқ бобоқалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан жорий йил «Халқаро астрономия йили» дея эътироф этилган. Шу муносабат билан «Койнот сизинки» лойиҳаси асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Фалақийет илми алломаси таваллудига бағишлаб «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ томонидан почта маркалари ва купон муомалага киритилди. Самарқандда бўлиб ўтган тақдирот улуг алломага эҳтиром ифодаси бўлди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистоннинг ўз йўли бор

Самарқандда Ўзбекистон Президенти Исмоил Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шариатида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ҳамда 2009 — 2012-йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурини ўрганиш, айна чоғда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга дахлдор дастурини бажарилишида касба уюшмалари вазифаларига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят касба уюшма ташкилотлари ходимлари ва фаоллари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Анжумани Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова очди ва мамлакатимизда демократик янгилашни, барқарор иқтисодий тараққийотни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда босқичма-босқич, амалиётда тула ўзини оқлайтган ислохотлар самарасига эътиборни қаратди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан азият чекаётган бир шариотда давлатимиз раҳбари «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариатида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарига ушбу муаммоннинг сабаб ва оқибатларини теран таҳлил этган ҳолда, Ўзбекистон учун бухронни четлаб ўтиш йўллари белгилаб берган.

«Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича инқирозга қарши дастур бажарилишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида» маъруза қилган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров юрт раванки йўлида тараққийотнинг ўзбекча модели нақадар узоқ

ни кўзлаб ишлаб чиқилгани бугунги кунда яна бир бор исботини топганига эътибор қаратди. Нотиқ таъкидлаганидек, кучли ижтимоий ҳимояга таянган сийосатимизда жамоат ташкилоти бўлиши касба уюшма ташкилотлари зиммасига ҳам катта масъулият юклаган. Мамлакатимизда қиска фурсатда инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқибли, амалиётга жорий этилаёпти. Шундай шариотда мазкур уюшма жараён кузатувчиси эмас, унинг изчил иштирокчисига айлиниши даркор.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида имзоланган уч томонлама битим кўриб чиқилганига кўп бўлгани йўқ. Эътиборлики, ана шу мейврий ҳужжат асосида вилоят аҳолисини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш кўлами кенгайди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси вакиллари семинар қатнашчиларининг кўплаб саволларига жавоб қайтаришди.

Худди шундай тадбир Навойи вилояти-

Ахборот

да ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда ЎзКУФК раисининг биринчи ўринбосари М.Содиқов сўзга чиқиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга қўрсатидиган таъсирини бартараф этиш борасида касба уюшмалари фаоллари олдида турган муҳим вазифалар хусусида тўхтади.

Федерация кенгаши раиси ўринбосари Н.Аллаёровнинг инқирозга қарши курашга бағишланган маърузасида янги иш ўринлари яратиш, касаначиликни ривожлантириш, бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этишида касба уюшма ташкилотлари фаолигини ошириш, бандликка қўмаклашувчи марказлар, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қамраб олинди.

Вилоят ҳокимлиги Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Фурқат Йўлдошев маънавий-маърифий, гоъвий-мафқуравий тарғибот тадбирларини амалга ошириш юзасидан 2009 йилдаги вазифаларга эътиборни қаратган бўлса, ҳоким ўринбосари С.Самовдов вилоят аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Ўқув-семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Уз мухбирларимиз

Касба уюшмалари ва ёш авлод

муҳофаза қилиш тўғрисидаги кўнун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлар ва қўшимча кафолатларга амал қилиш зарур эканлиги таъкидланди. Шунингдек,

Отаназар аканин Фермер ҳўжалигида у-бу ишларга қаратиб юрган ўғли Санжар оғини синдириб олди. Воқеадан хабар топган туман агроноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши вакиллари аҳолини жойида ўрганиш, баалоғат ёшига етмаган болалар меҳнатидан қай тарика фойдаланиш ҳақида атрафлича тушунча беришди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик 8ш тўғрисидаги ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шоишинч чоралар тўғрисидаги конвенцияларни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори билан яқиндан таништиришди.

Ешига, жисмига мутаносиб бўлсин

Қарорда баён этилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун турли вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотлар, шу жумладан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши зиммасига ҳам алоҳида вазифалар, юклатилган эди. Ўз навбатида, Федерация кенгаши ижроия қўмитаси ҳам бу ҳақда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Унга асосан ўш сақиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўла-

ниши таъқиқланадиган ноқулай меҳнат шариоти мавжуд ишлар рўйхати қайта кўриб чиқилмоқда. Жамоа шартномаларида ёшларга, айниқса, ўн сақиз ёшдан кичик ўсмирларга нисбатан меҳнат қўнунчилигида ҳамда меҳнатни

фермерлар ўртасида қишлоқ ҳўжалиги ишларига қатнашишга болаларни жалб этишда қўнун бўзулишига йўқ ўйилмаслиғи учун кенг тушунтириш ишлари олиб бориляпти. — Болаларда меҳнат қўнунма-

ФАРҒОНАдан дараклар

Фарғонада Андижон ва Наманган вилоятларининг паррандачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқлари раҳбарлари иштирокида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Паррандачилик истиқболи

Фарғонада ҳозирда фермерлар томонидан 200 мингдан зиёд «Ломан» зотли товуқ парварии қилинмоқда. Анжуманда иштирокчиларга олдилар томонидан фойдаланиш масалалари, йўналиш ва тавсиялар берилиши, фермерларнинг ўзаро тажриба алмашиши самара бериши, шубҳасиз.

Вилоятда паррандачиликка ихтисослашган 80 дан ортиқ фермер ҳўжалиги ва 4 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Маъжуд 9 та инкубаториялар 3,5 млн. донадан ортиқ наслили ҳўжа очриш қувватига эга. Келажакда қўшимча 4 та янги инкубатория ташкил этилиб, уларнинг сони 13 га етказилади. Парранда боқишга ихтисослашган 37 та фермер ҳўжалиги ташкил этилди.

Тижорат банклари томонидан соҳа ривожи учун 281 млн. сўм кредит ажратилди. Минтақавий семинарда «Ломан Тирчухт» (Германия) компанияси Президенти, профессор В.Бонит ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ

Марғилон шаҳридаги «Иқбол» маҳалласида истиқомат қилувчи Нейматжон Нуриддинов «Уста Неймат» ҳўнарманчилик фирмаси даромадининг бир қисмини ҳайри ишларга сарфламоқда.

Тадбиркор ҳиммати

Яқинда шаҳардаги вилоят кўзи оғизлар ва қарлар махсус мактаби жамоаси учун тўқтин дастурхон ёзилиб, дошқозинда ош дамланди. Қўрсатишган ҳиммат учун мактаб директори Абдуқарим Маъноев жамоа аҳли номидан тадбиркорга миннатдорчилик изҳор этди. Нейматжон Аса маҳалладошлари Зўҳра Ҳасанова ва Қаноатхон Акрамовларнинг оилаларини ҳам ўз оталиғига олган. Муҳаммаджон МАХМУДОВ

«Ишонгга Наф Келтириш — Олий Бахт» Танловига

Худойберган Каримбердиев ҳақида гапирганлар эллиқкальалиқларга хос меҳнаткашлиқ, маърифатга ташналиқ, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга интилувчанлик каби фазилатлар унга ҳам бегона эмаслигини айтишарди. Мен «эллиқкальалиқларга хос» иборасини бежиз ишлатмайдим. Ушбу туман раҳбаридан тортиб олдий ўқитувчи, шифокор ё дехқонигача ўз олдиға улкан мақсадлар кўйди ва уни амалға ошириши учун изланишдан тўхтамайди. Яна бир жиҳати эса яна ўша туман раҳбаридан то олдий дехқонигача газета ўқийди. Истаган эллиқкальалиқ билан суҳбатлашсангиз, «Фалон газетанда чиққан фалон мақола» иборасини эшитасиз.

маслаҳатлашдим, — дейди Худойберган ака. — Нафақат улар, балки барча ҳамкасбларим билан мулоқотдан нимадир ўрганишга ҳаракат қиламан. Уларнинг бири малакали бўлса, бошқаси ширинсухан, учинчиси босиқ ва хоҳасо. Истаган одамдан ўрганишга арзийдиган жиҳат топиш мумкин. Худойберган ака ўргатишдан ҳам эринмайди. Алламберган Юсупов, Қутлимурод Рейимов, Баҳодир Матқаримов каби кўплаб издошлар уни устоз дея эъзозлашди. Каримбердиевга ишонч билдириб марказий шифохона касабга уюшма кўмитаси раиси қилиб сайлашганиға ўн йил тўнапти. — Утган давр мобайнида касабга уюшмалари ҳақида, аввало, ўзимнинг тасавури кенга борди. Ўрганганларимни жамоа шартномаси орқали, касабга уюшмаси аъзолиғи афзаллиғини чуқурроқ

ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, иш жойларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича бир қатор ишларни амалға оширмоқда. Маъмурият ва касабга уюшма кўмитаси ўртасида ҳар йили меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битим имзолашади. Унинг ижросига қатъий амал қилинади.

— Яратилаётган шароит туфайли аҳоли саломатлиғи тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди Худойберган Каримбердиев. — Сўнги уч йилда оналар ўлими юз бермади. Болалар ўлими ҳамда юқумли касалликлар кескин камайди. Ешлар йилида туман даволаш-профилактика муассасасларида фаолият кўрсатаётган ёш оилалар кўриқдан ўтказилиб, тиббий ёрдамға муҳтожларни бепул даволаш чоралари кўриди. Шунингдек, касабга уюшмаси томонидан аъзоларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказишга қаратилган тадбирлар бир-бирдан мароқли кечади. Спорт мусобақалари аъзоларнинг барчасини жалб қилади. Бир неча йилдики, «Хамшира» танловига касабга уюшмаси ҳоимийлик қилиб келмоқда. Туман ҳамширалари бир неча бор республика босқичида ғолиб чиқишида Худойберган аканинг ҳам муносиби улуши бор.

Худойберган ака отасидан ўрганганларини нафақат ишда, балки шахсий ҳаётида ҳам кенг татбиқ этади. Турмуш ўртоғи Анабиби опа узоқ йиллар ҳамшира бўлиб ишлади. Айни пайтда нафақада. Улар биргалиқда етти фарзандни улғайтирди. — Унта бўлса ўрни бўлак, деб бежиз айтишмаган, — дейди Худойберган ака. — Ҳар бирининг ўз ўрни бор. Отабек ўғлим комбайнчи, Нурбек ўғлим фермер, Алибек ўғлим, Лола, Феруза, Гулиҳон қизларим касбимиз давомчилари. Ўқитувчиликни танлаган Барно қизим ҳам сафар янги шёрларидан ўқиб берса қалбимни ифтихор чулғаб олади. Ахир ота-она учун фарзанд қалбини кўришдан ортқ бахт йўқ. Барака топгур келинларим ҳам ажойиб оилаларда тарбия топишган. 18 та бир-бирдан ширин наварам коллеж ва мактабларда таҳсил олади.

Худойберган Каримбердиевнинг таниш-билишлари у кишининг шуқуқли тақдир соҳиб эканилиғиға ҳавас қилишади. Беназир инсоннинг фарзанди бўлиш, узоқ йиллар масъулиятли лавозимларда ҳалол меҳнат қилиш, ажойиб фарзандлар тарбиялаш — булар шуҳбасиз, ҳавас қилишға арзийди.

Муҳаббат ТўРАБОВЕВА, «Ishonch» мухбири



Бир кунда миллионер бўлиш мумкин



«The Guardian» газетасининг 11 май кунги сонида хабар беришича, Испанияда «EuroMillions» лотереясида 126 миллион евро ютиб олган одам кидириллапти. Хозирча ютуқли билет Мадрид марказидаги дўқондан сотиб олингани маълум. Дўқон эгаси Палома Кателейро бу ёрга сайёҳлар тез-тез келиб туришини айтган. Шу боис омадди билет соҳибни ҳар қандай мамлакат фуқароси бўлиши мумкин.

Лотереядаги 126 млн. евролик ютуқ Европа учун рекорд ҳисобланади. Энди билет эгаси келиб ютуқини олса, у Европанинг энг бой одамлари қаториға қиради. Таққослаш учун айтиш жоизки, бу пулга иккита «Airbus 320» самолётини сотиб олса бўлади.


Меркел ва Саркози Евроиттифоқнинг кенгайишиға қарши

Германия канцлери Ангела Меркел ва Франция президенти Никола Саркози яқинда кунни Европа Иттифоқи ҳусусида фикр билдирар экан, унинг Туркия ҳисобига кенгайишиға қарши эканликларини маълум қилишди. Бу ҳақда DPA агентлиги хабар бериди.

Хусусан, Берлинда Христиан-демократлар иттифоқи партиясининг ёшлар бўлими фаоллари олдида чиқиш қилар экан, Меркел Туркияни ЕИға қабул қилиш эмас, балки унга ЕИ билан ҳамкорлик қилиш бўйича имтиёз бериш кераклигини билдирган. Бу борада «Bild am Sonntag» газетасига интервью берган Саркозининг ҳам фикри шундай. Фақат у Туркия билан яхлит иқтисодий зона ташкил этиш тарафдори. Шу тариқа, ЕИға кириш учун 2005 йили музокара бошлаган турклар ҳали-бери мақсадига эриша олмайдиган кўринади.



«Қалайсан энди? Во-о-ой!!!»



8 май кунни кечкурун АҚШнинг Бостон шаҳри метросида икки поезд тўқнашиб кетди. Оқибатда, 20 киши жароҳатланди. CNN телеканалининг Massachusets штати транспорт бошқармаси раҳбариятининг маълумотиға асосланиб хабар беришича, поездлардан бирининг машинисти касалхонада сўроқ қилинганда, у тўқнашув пайтида SMS-хабар ёзиш билан банд бўлганини тан олган. Шу боис олдинда кетаётган поезд (светофорнинг қизил чироғида) тўхтаб турганини кўрмай қолган. Кўриб тормов берганида эса кеч бўлган эди.

Транспорт бошқармаси раҳбариятининг таъкидлашича, терговда машинистнинг гаплари тасдиқланса, у ишдан бўшатилади. Негаки штатда барча турдаги жамоат транспорти ҳайдовчиларининг иш пайти мобил телефон ёки бошқа электрон қурилмалардан фойдаланиши қатъий ман этилган.

Энг қабих жиноят

Одам савдоси ҳозир асримизнинг энг ўткир муаммоларидан бўлиб турибди. «Новости Грузии» агентлигининг Ички ишлар вазирлиғи матбуот хизмати маълумотиға асосланиб хабар беришича, яқинда мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари одам савдоси билан шуғулланувчи 27 кишини ҳибсға олган. Ушланганларнинг 14 нафари уюшган жиноий гуруҳ аъзоларидир. Фақат улар эркак ва аёлларни қул қилиб ишлатиш учун қуликка топшириш эмас, чақалоқларни сотиш билан шуғулланган.

Жиноятчилар орасида Цхалтубо тугруқхонаси бош врачини Теймураз Лорткипанидзе, Кутаиси болалар шифохонаси анестезиолоғи Амиран Ломтадзе сингари тиббиёт ходимлари бор.

Жиноятчилардан бир гуруҳи пул эвазига боласини сотишға рози бўлган ҳомиладор аёлларни топиш, айримлари уларни тугдирдиш, баъзилари миждоз топиб чақалоқларни сотиш билан шуғулланган.

Жиноятчиларни қўлга олиш операцияси мамлакатнинг уч тумани — Имерети, Рача-Лечхуми ва Квемо Сванетидида бир вақтда ўтказилган.

Биргина хато

Россиянинг Волгоград вилоятидаги 9-ахлоқ тузатиш колонияси ходими янглишиб, жазо муддатини ўтаётган ўғрини озодликка чиқариб юборганилиғи юзасидан жиноят иши кўзга тилиди. Айбланувчи вазифасиға совуққонлик билан қараганлигини тан олди.

Ғап шундаки, колония ходими 2009 йилнинг март ойида ўғирлик қилгани учун озодликдан маҳрум этилган маҳбуснинг ҳисобига олиш картасини эътиборсизлик билан ўқиган ва у жазо муддатини ўтаб бўлди деган қарорға келган. Натияжада, бир ярим йилға қамалган ўғри олти ой ўтирғач, озод этилган.

«Интерфакс» агентлигининг хабар беришича, ходимнинг янглишишиға картада бир йилнинг рақам билан, олти ойнинг эса сўз билан ёзилганлиғи сабаб бўлган.

Озод қилинган киши ўғирлик учун бир неча марта судланган даиди бўлиб чиқди. У озодликка чиққанидан сўн яна қонунни бузганлиғи учун ҳибсға олинган. Қўлида бу ҳақда маълумотномаси бўлса-да, текширишда у бу пайтда колонияда бўлиши кераклиғи аниқланган.

Интернет хабарлари асосида Хасан НИШОНОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон энгил, меҳнат ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабга уюшмаси Марказий кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда Марказий кенгашининг вилоят вакилликлари, «Ўзкоммунизма» агентлиғи касабга уюшма кўмитаси раиси Қобилжон Фуломовға онаси

ХАНИФА аянинг вафот этганлиғи муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Шуқуқли тақдир



исботлаш орқали ҳаётға татбиқ этишға ҳаракат қилдим, — дейди у. Натияжада, аъзоларнинг касабга уюшмасиға хурмати янада ошиб борди. Эндиликда у барча ишчи-хизматчиларнинг чинакам суяни сифатидаги мавқени янада мустаҳкамлади. Касабга уюшма кўмағидан баҳраманд бўлган оилалар кўп. Бултур касабга уюшма томонидан 40 дан зиёд аъзоға моддий ёрдам берилган бўлса, жамоа шартномаси асосида 50 дан зиёд ходимға 3 млн. сўмлик яқин моддий ёрдам кўрсатилди. 100 дан ошқ ходим рағбатлантирилиб, бунинг учун 16 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, 140 та ходимға 3 млн. сўмликдан ортқ дори-дармон берилди. Соҳа ходимларининг 30 дан зиёд фарзандлари «Орол болалари» оромгоҳида соғломлаштирилди. 10 та бола эса ёғзи таштилни Тошкентдаги сўлим масканларда ўтказишға муваффақ бўлди.

Мазкур жамоа аъзолари сони бир ярим мингдан ортқ. Уларнинг бир минг икки юздан зиёди аёллар. Касабга уюшмаси туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси билан ҳамкорликда

мойиш этган Худойберган Каримбердиевни туманининг биринчи бош санитария шифокори қилиб тайинлашди. Пойдевор мустаҳкам бўлса, иморатнинг умри узунлиғи таъминланади. Эллиқкальада бугун ҳам санитария назоратининг яхши йўлга қўйилгани Худойберган ака ўн икки йил давомида жорий қилган мейёрлар ва мезонларнинг бардавонлиғидандир. У марказий шифохона ташкилий услубий бўлими мудири бўлиб ишлаган йиллари аҳоли ўртасидаги касалликлар кенг тахлил қилиниб, кўрсатилган тиббий ёрдамни қайси йўналишда кучайтириш зарурлиғи тавсия этилди.

— Фаолиятим давомида Абдулла Худойберганов, Абдурахим Юсупов, Ўринбой Сейтнбизов каби устозларим тажрибасини ўргандим, улар билан

Оқ ерда янги лицей

Риштон туманидаги Оқ ер қишлоғида 795 ўринға мўлжалланган академик лицей қурилиши тугалланмоқда. Уни «Файз-Бинокор Олтиариқ» ҳўжалиқлараро кўчма механизациялашган карвон қурувчилари барпо этаётир. Бу ерда спорт зали, химия, физика каби фан кабинетлари змон талаблари даражасида жиҳозланаётир. Айни дамда жамоа пардозлаш ишларини амалға оширмоқда.



Суратларда: «Файз-Бинокор Олтиариқ» ҳўжалиқлараро кўчма механизациялашган карвон ёш қурувчиси Иномжон Мелибоев; янги қурилаётган академик лицей биноси кўринишлари; (чапдан) мутахассис Ҳасан Зоҳидов ва иш юритувчи Ғайрат Алиев иш устида.

Мухимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бугунги кунда маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишға кўриб етади. Ҳеч бир қорхона ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайд.

Учқудук туман марказига Навой шаҳридан 300 километрдан ортқ қўл барханлари оша борилади. Туманда 6 та маҳалла, 6 та овул фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлса, улардан 5 таси марказий шаҳарчада жойлашган. Қолган 7 тасиға эса ҳуда-беҳуда бориш бир қадар мушкулликлар туғдиради. Масалан, «Авангард» овул фуқаролар йиғини (ОФЙ) шаҳарчадан 220 километр, «Узунқудук» ОФЙ 143 километр, «Мингбулок» ОФЙ 67 километр, Боздун ОФЙ 67 километр олислиқдаги масофада жойлашган. Айнан шунинг учун ҳам кам таъминланган, яқна-ёлғиз оилалар аҳолидан хабар олиш, аҳоли саломатлиғини муҳофаза қилиш, меҳнат билан бандлиғи каби масалалар ўзига хос эътиборни талаб этади. Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг отаси ҳам, онаси ҳам овул ва унинг тиниб-тинчимас фаоллари бўлиб қолишаётир.

Чўл ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида тушға яқин қарийб 30 километр йўл босиб, сахро қўйнидаги «Кокпато» МФЙ жойлашган қишлоқ сари йўл олдик. Қовжирек тортиган ўт-ўланлар ва қизғиш кенгликлар оша кетарканмиз, дуч келган биринчи аҳоли турар-жой маскани жозибаси билан ўзига тортиди. 1135 нафар аҳоли, 228 та оиладан иборат

«Геологлар шаҳарчаси»да асосан кон-қидирувчилар ва уларнинг оила аъзолари истикомат қилишаркан. 14 миллат вакиллари бир-бирлари билан бир

ва сервис соҳаси бинолари ҳавасни келтиради. Сартарошхона, пойабзал тузатиш устанонаси, хунарманд хонаси, расмхона ва замонавий талаблар асосида иш юритаётган ҳаммом ана шулар жумласидан. Шу ерда тугилиб-ўсган Муртазо Муратов фаолиятини

да эса кўпчилиқнинг талаби билан «Мингбулок» ОФЙ оқсоқли этиб сайланди. Муртазо аканинг қилган энг хайрли иши шу бўлдики, ўз атрофиға эл дардини биладиган, бугунги шароитни ҳис этувчи бағрикенг кишилар — фаолларни йиға олди. Улар кўмағида улус ахлиға наф келтиришининг мақ-

билан ҳамкорликда ҳудудимиз тадбирларига микрокредитлар олиб беришми. Овулда боқилган қорамол бошини кўпайтириш, маиший хизмат ва сервис, касанчилик ҳисобига кейинги 3 йил давомида аҳоли даромади 22 фоизға кўтарилди. Ишбилармонларни оёққа турғизиб, овул ҳудудида тўй маросимлари ўтказиши жойи, кўркам гулзорлар, савдо ва умумий оватқаланиш нуқталарини бирин-кетин ишға туширдик. Биргина жорий йилда 7 жойида еш сақлаш шаҳобчлари ташкил қилинди. Ҳар бир маҳалла, овулларға туман ҳокимлиғидан маъсул мутахассислар ажратилган. Ўлар фаолларимиз билан фуқаролар ҳонадорларига таширғи буюришиб, чорва қишлови, ободончилик ва аҳоли яшаш даражасини оширишға доир маслаҳат ва кўмақдошлиқлар ташкил қилишмоқда.

Ғапнинг очғини, саҳронинг паст-баланд йўллари оша бораётғи, поёнсиз кенгликлар бағрида ш қадар яшнаб очилган чечаклар, жўшқинқалб инсонлар меҳр тафти борлигини ҳис қилмагандик. Эл ишончиға хизмати билан жаовб бераётган, ўз қишлоғи, овули ободлиғи, халқ фаровонлиғи учун оромидан кенган фаолларимиз доимо бор бўлишимиз. Зеро, маҳалла, овуллар ободлиғи — юрт истиқболини белгилувчи омилдир.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Саҳрони яшнатган



1963 йилда ўқитувчиликдан бошлаган. Кейинчалик «Мингбулок» давлат ҳўжалиғи раҳбарларидан бириға айланди. Она юртида қишлоқ кенгаши ташкил этилғач, унинг бошқарувини қўлиға олди. 1993 йил

онанинг фарзандлари каби ахил. Бу ердаги умумтаълим мактаби ва болалар боғчасида дарс ва машғулотлар 3 тилда олиб борилади. Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг фаолияти ҳам марказидан фарқ қилмайди. Кўркам маҳалла биносиға кирсангиз, бугунги кунимизға ҳамоҳанг стөнд ва кургазмаларға дуч келиб, жўшқин ҳаёт тафтини ҳис эта-сиз. Қарийб 1,5 соатлик масофа ўтилғач, қирлар ортидан яна бир яшиллик оламиға дуч келамиз. Бу тажрибали оқсоқол, «Шухрат» медали соҳибини Муртазо Муратов раислиғидаги Мингбулок маҳалласи эди. Йўл азаблиридан чағиб, ён-атрофға эҳти соларканмиз, шинам, оқланган уйлар, маиший хизмат

бул йўллариини излади. — Овул аҳолиси турмуш даражасининг яхшиланишида иш билан машғуллик мўҳим ўрин тутайди, — дейди М.Муратов. — Шунини нобатда олиб, Микрокредитбанк Учқудук минибанки

бул йўллариини излади. — Овул аҳолиси турмуш даражасининг яхшиланишида иш билан машғуллик мўҳим ўрин тутайди, — дейди М.Муратов. — Шунини нобатда олиб, Микрокредитбанк Учқудук минибанки

Юрт фахри

Қадимда бетоб бўлиб қолган шонинг дардига саёхат даво бўлгани ҳақидаги ривоят замирида ҳақиқат бор. Зеро, юрган дарё деган нақл бежиз айтилмаган.

Мана икки йилдирки, Тошкент шаҳар касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тармоқлардаги ишчи-ходимларнинг Самарқанд вилоятига саёхатини уюштирмоқда. Юртимизнинг қадимий ва навқирон шаҳридаги тарихий обидалар билан яқиндан танишиш, муқаддас қадимжоларни зиёрат қилиш асносида тарихни чуқурроқ ўрганиш мақсадида саёхатчиларнинг навбатдаги гуруҳи Хотира ва қадрлаш кўни олдидан Самарқандга йўл олди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касоба уюшма кенгаши масъул ходими Гаҳвар Тулаганова раҳбарлигида юзга яқин тиббиёт ходимлари ва касоба уюшма степендиантларидан ташкил топган гуруҳ дастлаб Имом Ал-Бухорий мажмуаси-

Саёхат



ни, буюк саркарда Амир Темури бобомиз қабрини зиёрат қилди. Регистон майдони, Бибиҳоним мадрасаси ва Шоҳи Зинда мақбаралари билан танишди. Саёхат асносида ҳаммининг юзидан кўтаринки кайфиятда экани биллиниб турарди.

— Саёхатдан бир олам қувонч билан кайтаман, — дейди Яқкасарой туман кўп тармоқли Мар-

казий поликлиникаси ходими Г.Абдуразоқова. — Хориждан келган турли миллат вакиллари-нинг тарихий обидалари-мизга ҳайрат билан қараб, баъзан кўллари деворлардаги ёзувлар устидан юргизиби қўриши мендаги фахр туйғусини янада оширди.

Апрел-май ойларига мўлжалланган ушбу дастур асосида 2008 йили 686 нафар ходим саёхат қилган бўлса, бу йил 46 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, уларнинг сони 2000 нафардан ошган.

Дарҳақиқат, саёхатда биз билган ва билмаган қанча ҳикмат бор. Юртимиз бўйлаб кезар экансиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири



Қашқадарёдан хабар қилишларича

Нишон туманидаги Нуристон қўрғонига жойлашган 35-мактабда билимларни кўн билан эгаллаётган иқтидорли ёшлар кўпчилигини ташкил этади.

Яқинда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган «Энг яхши китобхон» кўрик-танловда ушбу таълим муассасасининг саккинчи синф ўқувчиси Нодира Юсупова олий ўринга муносиб деб топилди ва Фахрий ёрлик билан тақдирланди.

— Педагогик жамоамиз ўқувчиларнинг китобга бўлган меҳрини ошириш, бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, уларни кутубхоналарга кўпроқ жалб этишга алоҳида эътибор бермоқда, — дейди мактаб директори Нарзулло Эшонқулов. — Шўртан газ-кимё мажмуаси томонидан 246 миллион сўм маблағ сарфлаб қурилган янги ахборот ресурс маркази ўқувчиларимиз орасида энг яхши китобхонларни тарбиялаб ётиштириш имконини бермоқда.

Қаршида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови вилоят ёшларининг ҳуқуқий билимларни қай даражада эгаллаганликларини яна бир синновдан ўтказди.

Кўрик-танловда Қарши давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг «Мухтасар» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичига йўлланма олди. Ушбу ўқув масканининг ёш ҳуқуқшунослари икки йилдан бери кўрик-танловда фолбилликни қўлдан бермай келишяпти.

Қашқадарё вилояти «Ёшлар маркази»да ўқувчиларнинг миллий меросимиз, қадимий қадриятларимиз ва юртимиз тарихини ўрганиш борасидаги билимлари яна бир бор синновдан ўтказилди.

«Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичида Қосон туманидаги 95-ўрта умумтаълим мактабининг «Соҳибқирон» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Қарши шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб жамоаси 2001 йилда инсонпарварлик гоғлари, муруватлилик ва ҳамкорлик мавзуларида қўшимча дарслар ташкил этганиликлари учун ЮНЕСКОнинг «Тинчлик таянчи» мукофотига сазовор бўлган эди.

Яқинда мазкур таълим муассасаси турли мамлакатлардан БМТга аъзо бўлган 6 мингта таълим маскани қаторидан жой олди. Мактабга ЮНЕСКОнинг сертификати топширилди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ўттиздан ортиқ ўқув даргоҳлари мазкур ташкилотнинг дастури бўйича иш олиб бормоқда.

— ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари жамоамизга таширф буюриб, фаолиятимиз билан яқиндан танишиб борадилар, — дейди муассаса раҳбари Улугбек Абдурамонов. — Ушбу нуфузли сертификат билан бирга мактабимизга ўқув дастурлари, кўргазмали жиҳозлар ҳам тақдим этилди.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Эс-эс билан: оқшомлари маҳалла аёллари уйимизда тўпланиб, «учтама-тўртта бўлволиб, ҳасратлашиш» асносида дўппи тикиб ўтиришар, тиллар олам-олам орзулар турмуш қийинчиликлари «арз» қилаётган палла қўллар ажиб мўъжизалар яратарди.

Қайза бормай, бошда дўппим...



ги каштаси қўлда «тагдўзи» усулида, «ироқи» чоқда ипак билан тикилган. Ки-заги кашта йўли орқали ажратилган тўрт томонли, баланд, гумбаз шаклида бўлган. Кашта фонлари асосан оқ ипакда, кизаги араб ёзувлари билан безатилган. Бухорода аёллар, қизлар кийишига мўлжалланган дўппилар асосан оқ бўзга, сариқ сатинга, турли рангдаги баҳамалга «зардўзи-гүлдўзи», «зардўзи-заминдўзи» усулида тайёрланган.

ШАҲРИСАБЗ, ҚОСОН дўппилари алоҳида кўринишга эга. Бу ёрлик халқ дўппини қалпоқ деб атайди. Аврасига ва астарига сатин, чит ҳамда бўз матолар ишлатилган дўппиларни тайёрлашда «пилтадўзи» усули қўлланган. Бундай дўппилар «тўлдирма» қалпоқ деб аталган. Тўлдирма қалпоқлар билан биргаликда халқ бошидан туширмай, севиб қиядиган гилам дўппи ёки «ироқи» дўппилар ҳам кенг тарқалган.

Уларнинг кўриниши думалоқ, тепаси қонуссимон чўнкайган ва баъзилари гумбаз шаклида баланд қилиб тикилган. Тепаси чўнкайган дўппиларнинг кизаги ҳам энли бўлган. Бундай дўппиларга гул тикишда «тагдўзи» усулидан фойдаланиб, «ироқи», «санама ироқи», «илмоқ» чоқда кашта тикилган. Сурхондарёнинг тоғли худудлари аҳолиси ўртасида, айниқса Бойсунда бу каби дўппилар ниҳоятда қадрланади.

ХИЗ асрининг турларига қелиб, аёллар учун тўртбурчак шаклдаги, учбурчак қатланадиган «ироқи» дўппилар ҳам кенг тарқалган. Бундай дўппилар «пилтадўзи» усулида тайёрланган. НАМАНГАНДА XIX асрининг бошла-

ридан Чуст дўппилари удум бўлди. Уларнинг авраси қора сатиндан, астари пахта матодан тайёрланади. Ки-загининг четиغا қора пахта ёки ипак илдан тайёрланган «чалма» жияк ишлатилган. Дўппиларнинг шакли тўртбурчак, тепаси тўрт томонли, ясси, учбурчаксимон қатланади. Техникаси «пилтадўзи», қўл чоқда тикилади. Кашта чоқининг «хомдўзи», «чамак», «илмоқ», «чиндахаёл» каби турлари ишлатилади.

ФАРҒОНА дўппичилигида эраклар учун Чуст дўппилари кейин, уларга ўхшашма қилиб Марғилон дўппилари яратилди. Уларга ҳам асосан қора рангданги сатин ва ипак матолар, астарига пахта мато ишлатилади. Марғилон дўппиларининг ҳам тепа қисми тенг тўрт бўлақларга ажратилиб, тўрт қаржига тўрт дона қалампирусуха нақш тикилган. «Қалампирусуха» Чуст дўпписига нисбатан ингичкароқ ва кашта тикиш усули бошқачароқдир. XIX асрининг ўрталаридан кейин хотин-қизлар кийишига мўлжалланган Марғилон дўппилари кенг тарқалди. Уларнинг аврасига канва ёки тўр мато, астарига пахтали матолар ишлатилган. Дўппиларга «пилтадўзи» усули қўлланган. Авраси учун танланган матога «тагдўзи» усулида «ироқи» ва «санама ироқи» қўл чоқда гул тикилган.

УРГУТ дўппилари ҳар даврда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Кўриниши думалоқ, кизаги баланд бўлган бу дўппиларнинг авраси кўпичинча қора сатин, астари пахтадан қилинган матолардан тайёрланиб, кизагига попуқ қадалган. «Пилтадўзи» усулида тайёрланган кашталари асосан «кандахаёл», «йўрма» қўл чоқда рангли ипак ёки пахта ипалар билан тикилган. Худди шундай дўппиларни ёш болалар ҳам кийишган. Уларга тикилган гулларнинг орасига ялтироқ металл «баргак»лар ва мунчоқлар қўшилган.

СУРХОНДАРЁДА «Пилтадўзи» («тўлдирма»), «тангача» («пулакча») деб ном олган дўппилар кенг тарқалган.

«Тўлдирма» дўппиларга кашта қўл чоқининг «санама текис» чоқи ёрдамида рангли ипаклар билан пилта чизиқлари бўйлаб тўлдирилади. Баҳамалга сариқ ва гулоби рангдаги ипаклар билан тангача кўринишидаги нақшлар тикиб тайёрланадиган бош кийимларни эса «пулакча» ёки «тангача», баъзан «лолагул» дўппи деб ҳам атайдилар.

Аёлларнинг мунчоқли дўппилари ҳам думалоқ шаклда бўлиб, усти ва кизагига майда мунчоқлардан гул тикилади. Сурхондарё дўппиларига «йўрмадўзи» усулида тикилган жияк қадалиб, безатилган. Дўппиларнинг жияги алоҳида тайёрлаб олинади. Эрак ва аёллар дўппиларига мўлжалланган жияклар уларнинг гул нусхаларига қараб фарқланади.

ТОШКЕНТДА эракларнинг дўппилари баъзан тўртбурчак, тепаси қонуссимон тарзда тайёрланган. Кизақ четиغا кенг жияк (эни 4,5 см.гача) тикиладиган дўппилар бўлиб, уларга оқ ва тўқ яшил ипак матолар, сатин, баъзида яшил бўз ҳам ишлатилган.

Аёллар кийишига мўлжалланган айрим дўппиларга «ироқи» чоқли кашта тикилган бўлиб, улар тўртбурчак, кизаги унча кенг бўлмаган.

ХОРАЗМДА аёллар дўпписининг думалоқ тепаси ясси, кизаги баланд бўлиб, кизақ четиغا баъзида кенг, баъзида эса ингичка қизил жияк тикилган. Жиякларнинг четиға попуқ қадалган. Ҳа, халқимизнинг дўппилари шакл-фарқларидан, мазмунан бош кийимнинг азизлигини фойдалайди. Шунинг учун бўлса керак, кўпичинча энг яқин кишиларга бош кийим совға қилинади. Дўппи бирова берилмайди: у рамзий маънода эҳтиёт қилиниб, доимо озода ва баланд жойда авайлаб сақланади. Зотан, дўппилар шунчаки бошга кийиб юриладиган нарса эмас, балки турли ташқи таъсирлардан асрагувчи буюм сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Абдуллох НИЁЗОВ

Хотира турнири БУВИЖОНГА аталган совға



Самарқандда таълим ва фан ривожига ҳисса қўшган устозлар хотирасига бағишланган фудоқан-каратэ бўйича «Барҳаёт устозлар» турнири бўлиб ўтди.

Унда Самарқанд шаҳри, Пайарик, Пастдаргом, Иштихон, Окдарё, Самарқанд туманларидан келган спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Биз билан суҳбатда вилоят фудоқан-каратэни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган спорт фидойиси Фахриддин Зоиров шундай деди:

— Ушбу спорт турини ривожлантириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга катта аҳамият берилмоқда. «Барҳаёт устозлар» май ойида ўтадиган Ўзбекистон чемпионатига саралаш вазифини ўтайди. **Зайнура Тешаева, мусобақа галибларидан бири:** — Бу йил 11 ёшга кирдим. Ҳозирга қадар уч марта республика биринчилигида галиб чиқиш насиб этди. Ютуқларга эришишда устозим Ойбек Ҳакимовнинг хизматлари катта. Шунингдек, укам Асадбек ҳам ўз тенгқурларидан орасида (8 ёш) галиб чиқди. Иккимиз ҳам мусобақага бувижоним Латофат ҳожи онанинг дуоларини олиб келгандик. Энди медалларимизни бувижонимизга совға қиламиз.

Акмал АБДИЕВ



Муқимий номидаги Ўзбек давлат музыкали театрида жавлон уриб роллар ижро этаётган навқирон кезларинг оркестр скрипкачиси гўзал Алияхон Сарвар исмли ошқ йигитга турмушга чиқди, кейинги йил кишлоқ фарзандли бўлиши. Ўзбекистон халқ артисти Набижон Халилов фамилиядош шогирдини табриқлаб, қизалоқининг шарафига оркестрда куй қалдирди. Оркестр созандалари қатори актёрлар, хор жамоаси балет труппаси аъзолари унинг қизли бўлганини байрам қилишди. Бироздан сўнг чалоголини кўтариб ота ва она театрга қолишди. Ушунда устоз Набижон Халилов:— Илоҳим, катта кишлоқ бўлсин. Онасига ўхшашан чиройли, отаси каби вафодор бўлсин. Илоҳим, келажакда яхши санъаткор бўлиб ётишин, — дея тилак билдирганди...

Эндигина тетапоқ қилишни ўрганган қизалоқ онасининг олдидан ва дирижёр пулти биқинида саҳнага махлиё қараб турарди. Мен ўшанда ҳар кун театр спектаклида банд эдим. Ҳоҳласам-хоҳламасам ниҳоят пас-танд, оркестрдан мўлтираб турган қизалоққа тушарди. Ижрола-римга ўзича баҳо бераётгандек гоҳ кулади, гоҳ жиддий қиёфада бўлади. Салбий ролларимда эса йиғлаб турганини ва онаси уни юпатмоқчи бўлганини, оркестрдан олиб чиқиб кетаман, деса тихирлик қилиб туриш-ди, қандай ҳолатда туриши-дан қатъи назар кўзи менда бўлганини кўриб беихтиёр тен-жаубга тушардим. Бу ҳол кўп йиллар давом этди. Вақт ўтган сайин қизалоқ театр жамоасига, жамоа эса унга кўникиб қолди.

Юқорида қилинган ниҳоятин холислигини қарангки, мактабда аяло баҳолар билан ўқиган қизалоқни ота-онаси хореография билим юртига беришди. Қиз кундузлари билим юртида, кечки пайт онасининг олдиди. Хуллас, у кўз олдимизда улғайди. София исми-ни жамоа тез-тез тақдорлайди-ган, София эса саҳнада бўлаётган ҳодисаларга муносабатини бил-дирадиган бўлиб қолди. Агар сал қўл учидидаги ижрони кўрса бур-нини жиғиб, ўша захоти саҳ-надаги актёрларга билдирар, қойилмақом ижрони кўриб қолса қувониб кетарди. Кейинчалик муштдеккина

қизча театр раққосасига айланди. Яққалон раққоса сифатида катта сахналарда хиром этди. София меҳнатдан қочмади. Эртадан кен-гача театр раққоса хонасида устози, Ўзбекистон санъат арбоби Шо-

Истеъдод Интилганга толе ёр



кир Аҳмедовдан сабоқ олди, машқ қилди. Республикамизнинг катта байрамларида фазол қатнашди. Унинг қадди-қомати-га ярашган чиройли хироми санъатсеварларни хушнуд этди. У вақт ўтгани сайин рақс бил-дан бирга рол ижро этиш орзу-сида устоз ахтара бошлади. Ав-валига кичик-кичик ролларни тасвия қилишди. Қарангки, ёмон чикмади. «Р» товушини «ғ»лаш-тириб талаффуз қилишлари ўзига қуйиб қўйгандек ярашиб

тушди. Дунёнинг ишлари қизик. Бир неча йил олдин оркестрда дирижёр пулти ёнида менга мўлтираб турган қизалоқ бугун саҳна гўзалига айланиб, «Девона» музыкали драмасида мен

билан рақс тушмоқда. Вақтининг шиддат билан ўтиб кетаётганини ўшанда яна бир бор ҳис қилдим. — Менинг орзум сиз билан бирга саҳнага чиқиш эди. Орзумга етдим. Рақсга ҳам тушдим. Раҳмат сизга, — дея дам ўшанда София қувонганидан чохраси ял-ял ёниб. София энди профессионал актриса бўлишни кўнглига тугди. — Мен Ўзбекистон давлат санъат институтига қираман. Му-сиқали театр актёрлиги курси-ни ўқиб тугаллашим керак, — дея ота-онасини тинч қўймасди. Катта тайёргарлик билан театр концертмейстери Балза Целе-ман билан ариялар айтишни

машқ қилди. Монолог ва масал-лар тайёрлади...

Ҳозир София Халилова Ўзбекистон давлат санъат институти музыкали театр санъати факултетининг 3-мусиқали театр актёрлиги курси талабаси. Ҳам театрда ишлаб, ҳам ўқимокда. Қонид, жонид санъат жўш уриб турган бу гўзал актриса-талаба беш-олтига бадий фильмда ҳам жози-бали роллар ўйнашга улгурди. Ҳа, меҳнат қилсанг, албатта, рожатини қўрасан. Интилганга толе ёр, деб халқимиз бежиз айта-ман. Келажакда София Халиловадан театр ва кинода залворли, мазмунли роллар кутиб қоламиз.

Бонир ХОЛМИРЗАЕВ, Ўзбекистонда қизмат кўрсатган артист

Газетанинг навбатдаги сони 16 май, шанба кун чикди.

Logo of the newspaper: ИШОНЧА НАФ КЕЛТИРИУЛ. О.К.У.П. Ф.Т.У.У. ОТИМ БАШТ.

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-03-90

Manzilizim:

100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharriri:

O.Rustamova
Navbatchi:
A. Abdullayev
Musahhiih:
S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonangiz manzili:
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftanavbat payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) Tjorat materiallari
Boshiga topshirish vaqti - 21.00.
Topshirildi - 22.00

Buyurtma № — 461

18410 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
2 5 6